



ИНТЕРНЕТДАГИ ТАҲДИДЛАРДАН ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 5 млрд.дан зиёди интернетдан фойдаланади. Уларнинг 4,65 млрд.нинг ўз шахсий саҳифаси мавжуд. Интернет тармоғида 130 триллиондан ортиқ саҳифа мавжуд. Охирги 12 ой ичида ижтимоий тармоқларга 150 миллион янги фойдаланувчи ижтимоий тармоқларга қўшилди.

Бугунги мураккаб даврда Интернетда фойдали маълумот билан бирга зарарли ахборот ҳам кенг тарқалмоқда. Айниқса, имон эътиқодга раҳна солувчи, дину диёнатга путур етказувчи ва инсонни залолатга бошлайдиган материаллар авж олмоқда.

ИНТЕРНЕТ БУЗГУНЧИЛАР МАКОНИГА АЙЛАНИШИНING АСОСИЙ САБАБЛАРИ

Интернетнинг тартибга солилмагани

Интернетга кириш осонлиги

Интернетдаги фаолиятнинг махфийлиги

Маълумотларни етказиш тезкорлиги

Ахборотларни жойлашдаги қулайликлар

Чексиз аудитория

Ҳозирги кунда ахборот уруши шиддат билан авж олмоқда. Ахборот уруши – турли мақсадларга эришиш учун рақибга ғоявий таъсир кўрсатишдир.

Манфаатдор кучлар ахборот хуружи кутилган натижани бериши учун ёлгон хабар тарқатиш босимини кучайтириб, интернетини ёлгон маълумотлар, сохта иддаоларга тўлдириш каби усуллардан фойдаланишади.

Афсуски, кўп ёшлар Ислом ниқоби остида олиб борилаётган бузгунчи ҳаракатларнинг қурбони бўлиб, дин душманлари қуролига айланиб қолмоқда. Улар нозик чегара чизигини англамай, шундай тарғиботларга учиб, ўз дини, диндошлари, халқи ва ўзи туғилиб ўсган Ватанига қарши исён қилишгача бориб етмоқда.

Огоҳ бўлинг! Азиз ёшлар! Дўстингиз, қўшингиз, қариндошингиз юқоридаги каби адашиб, нотўғри ва бузуқ ақида соҳибларига қул бўлиб қолишида Сизнинг ҳам айбингиз борлигини инкор этманг! Чунки шу дўстингиз дарс қилиш ўрнига интернет-кафеда беҳуда ишлар билан ўтирган вақтида сиз фойдали ишлар билан банд бўлгансиз. Зеро, ҳадисда айтилишича, “Ўзингизга раво кўрган яхши нарсани биродарингизга ҳам раво кўрмагунингизча комил мусулмон бўлмайсиз”.

Ёш авлодни интернетдаги динни ниқоб қилган турли таҳдидлардан ҳимоялашда қуйидаги вазифаларни алоҳида таъкидлаймиз:

– Биринчиси, ғаразли мақсадини амалга оширишда ҳеч нарсдан тап тортмайдиган кимсаларнинг қилмишларига, ҳатто уларнинг Аллоҳ каломи ва ҳадиси шарифларни ҳам ўзининг эгри йўллариغا мослаб талқин қилишдек қабих ишларига алданиб қолмаслик зарур.

– Иккинчиси, ёшларда турли хабарларни таҳлил эта олиш, моҳиятига етиш малакасини ҳосил қилиш. Зеро, ҳар қандай хабар ҳам тўғри ва холис бўлавермайди. Ҳар бир маълумотни текшириш ҳақида Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!”** (Ҳужурот сураси, 6-оят).

– Учинчиси, дин душманларининг Ислом равнақи ва юрт ободлигини ғаразли талқин этиб, ўзларининг ботил ақидаларини, пуч ғояларини турли сайтлар орқали жозибали қилиб кўрсатиш билан инсонларни гумроҳ қилиш пайида бўлаётганини чуқур англаш керак.

– Тўртинчиси, ёшларда ботил фикр ва таълимотларга қарши раддия бера олиш қобилиятини шакллантириш. Бунинг учун Аҳли сунна вал-жамоа ҳақлигини ва ҳанафийлик мўътадил мазҳаб эканини билиб олишлари лозим.

– Бешинчиси, **“оммавий маданият”** таҳдидларидан сақланиш. Бунда диний-миллий ўғитлардан фойдаланиш айтиш мумкин. Жумладан, Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий алайҳиссалом: **“Қиёмат куни мўминнинг тарозусида чиройли хулқдан кўра залворлироқ нарса бўлмайди. Албатта, Аллоҳ фаҳш ва жирканч сўзлар айтувчинини ёмон кўради”**, – дедилар.

– Олтинчиси, интернет сайтлари орқали қарама-қаршилиқларни юзага келтириш, кишилар орасига фитна-нифоқ солиш улкан гуноҳ эканини ҳар томонлама тушуниш керак. Инсонлар орасида қасддан зиддият ва низо чиқишига сабабчи бўлиш одам ўлдиришдан-да ёмон, катта гуноҳ эканини англаш лозим. Бу ҳақда Қуръони каримда: **“Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир...”** (Бақара сураси, 191-оят), – деб очиқ айтилган.



Огоҳ бўлинг!

Умар розияллоху анху айтадилар:
“Ҳаёли инсон ўзини бир четда тутати.
Ўзини четга олган банда тақводор бўлади.
Тақво қилганлар омон қоладилар”.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, “ўргимчак тўри”ни ин тутган бузгунчи оқимлар ўзларининг сохта гояларини ёшлар онгига сингдириш учун, соғлом эътиқодга раҳна солувчи “раҳнамолари”нинг фикрларига таянади. “Раҳнамолар” томонидан илгари сурилган гояларнинг асосида динга сиёсий тус бериб, ҳокимиятни қўлга киритишга интилиш нияти ётади. Уларнинг кўп асарлари радикал руҳдаги шахсларга асос бўлиб, дунёқараши шаклланмаган ёшлар орасида нотўғри, ҳатто хатарли тушунчалар пайдо бўлишига олиб келади. Шундай экан, турли хил бузгунчи кайфиятдаги веб-сайтлардан, уларда тарқатилаётган маълумотлардан хушёр бўлиш лозим.



РАСМИЙ МАНЗИЛ

Ўзбекистон Республикаси
Дин ишлари бўйича қўмита:

+998 71 207 17 58 religions.uz

info@religions.uz

Ўзбекистон Муслмонлари
Идораси:

+998 71 240 39 33 muslim.uz

umi-devon@umail.uz

Ўзбекистон Халқаро Ислом
академияси:

+998 71 244 31 65 iiau.uz

Шаръий савол-жавобларга ихтисослашган
сайтлар, ижтимоий тармоқлар, ботлар ва
Кол-марказ:

+998 78 150 33 44 Fatvo.uz

diniysavollar muminalaruzb

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот
маркази:

+998 55 451 05 99 termiziy.uz

Ушбу буклет Имом Термизий халқаро
илмий-тадқиқот маркази томонидан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҳузуридаги Нодавлат нотижора
ташкilotларини ва Фуқаролик жамиятининг
бошқа институтларини қўллаб қувватлаш
жамоат фонди давлат ижтимоий буюртмаси
лойиҳаси доирасида тайёрланди.



ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ



ДИН НИҚОБИДАГИ ТАҲДИДЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ёдда тутинг!